**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Бошқарув раисининг операцион масалалар бўйича ўринбосари**
**_____ У.Н. Рўзиев**
**«__09__» ____03____ 2026 й.**

№ 351-03/03

**“QUYTOSH KONI” МЧЖ устав фондидаги улушларнинг қийматини баҳолаш бўйича баҳоловчи ташкилотни жалб қилиш учун**

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

**Чирчиқ – 2026**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Умумий маълумотлар** | **Буюртмачи:** “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” АЖ.<br>**Баҳолаш объекти:** “QUYTOSH KONI” МЧЖ устав фондидаги улуши (Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Қўйтош КФЙ ҳудудидаги Қўйтош кони техноген чиқиндилар омбори технологик ҳосилаларини қайта ишлаш фабрикаси).<br>**Баҳолашнинг мақсади:** Жамият устав фондидаги улуш (улушлар)нинг бозор қиймати ва қолдиқ (баланс) қийматини аниқлаш, шунингдек, корхонанинг барча актив ва мажбуриятларини инобатга олган ҳолда комплекс баҳолашни амалга ошириш. |
| 2. | **Баҳолаш предмети** | **Баҳоловчи ташкилот қуйидагиларни қамраб олган ҳолда баҳолашни амалга оширади:**<br>• асосий воситалар, шу жумладан бойитиш фабрикаси, ускуналар (Илова 1);<br>• техноген чиқиндилар (хомашё базаси сифатида). |
| 3. | **Баҳолашнинг асосий вазифалари** | • бозор шароитида активларнинг қийматини аниқлаш;<br>• қолдиқ (баланс) қийматини аниқлаш. |
| 4. | **Баҳолаш услублари** | **Баҳоловчи ташкилот қуйидаги ёндашувлардан фойдаланиши шарт:**<br>• даромад ёндашуви (Income approach);<br>• бозор ёндашуви (Market approach);<br>• харажат ёндашуви (Cost approach).<br>Шунингдек, халқаро баҳолаш стандартлари (IVS) ва амалдаги миллий қонунчилик талабларига мувофиқ баҳолашни амалга ошириши лозим. |
| 5. | **Баҳоловчи ташкилотга қўйиладиган талаблар** | • тегишли лицензия ва аккредитацияга эга бўлиши;<br>• саноат (кончилик, металлургия) объектларини баҳолаш бўйича тажрибага эга бўлиши;<br>• халқаро стандартлар (IVS) бўйича иш юритиш тажрибасига эга бўлиши;<br>• мустақиллик ва холислик тамойилларига риоя қилиши. |
| 6. | **Баҳолаш натижалари** | **Баҳоловчи ташкилот томонидан:**<br>• тўлиқ баҳолаш ҳисоботи;<br>• бозор қиймати ва қолдиқ қиймати бўйича хулоса;<br>• инвестицион таҳлил ва тавсиялар тақдим этилиши лозим. |
| 7. | **Муддатлар** | Баҳолаш ишларини бажариш муддати: шартнома тузилган кундан бошлаб 10 иш куни. |
| 8. | **Буюртмачи томонидан тақдим** | • таъсис ҳужжатлари;<br>• активлар рўйхати (Илова 1);<br>• техник ҳужжатлар (фабрика ва ускуналар бўйича). |

| | | |
|---|---|---|
| | **этиладиган ҳужжатлар** | |
| 9. | **Якунловчи қоидалар** | Баҳолаш натижалари “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” АЖ томонидан “QUYTOSH KONI” МЧЖ устав фондидаги улушларни харид қилиш бўйича қарор қабул қилишда асос сифатида фойдаланилади. |
| | **Илова** | 1. “QUYTOSH KONI” МЧЖга тегишли қурилиш объектлари кадастр ҳужжатлари;<br>2. Бойитиш фабрикасидаги мавжуд асбоб-ускуналар рўйхати. |

**Ишлаб чиқилди:**
Лойиҳа менежери М. Усманов

**Келишилди:**
Кончилик инвестиция лойиҳаларини ривожлантириш офиси раҳбари С. Розукулов